

Олди -сотди шартномаси № 11
(озик-овкат учун)

челак шахри
(контракт тузилган жой)

январ 2022 йил
(контракт тузилган сана)

Бундан буён "БЮЮРТМАЧИ" деб аталувчи Пайарик тумани мактабгача таълим бўлими номидан низоми асосида фаолият олиб боровчи Н.Зоиров бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи «SHABBONA ULGURJI SAVDO» МЧЖ номидан низоми асосида фаолият олиб боровчи Ж.Муминов бошқа томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Мол гушт	Кг	589	65000	38285000
	Жами :				38 285 000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси (Уттиз саккиз миллион икки юз саксон беш минг) сўми ташкил қилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни газначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олинган тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 15 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига ҳелиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур контрактга кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:
Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;
Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;
Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:
 - тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
 - камчиликларни бегараз бартараф этиш;
 - Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
 - мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
 - товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.
- 3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:
 - "Буюртмачидан" олинган тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
 - Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:
 - Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
 - агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.
- 3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
- 3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 4.1. Буюртмачи:
 - савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
 - савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари қамайиши ҳолатлари бундан мустасно);
 - томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.
- 4.2. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асосиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорда жарима тўлайди.
Товарлар танлаб олинмаган (олиш асосиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар ҳақосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жуъатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги судда кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизминини киритиш тўғрисида"ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 йил "31" январигача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи	Буюртмачи
<p>Ташкилот номи : «SHABBONA ULGURJI SAVDO» МЧЖ Манзил: Пайарик тумани Телефон: - Факс: - Х/Р 20208000104943709001 Банк номи: Иштихон т., Ўзб-Гер Савдогар банк Иштихон ф.</p> <p>СТИР коди: 302135580 ИФУТ: 71150 МФО: 00311</p> <p>Рахбар (директор):  Ж. Муминов М.Ў. (имзо)</p> <p>АГЕНТ:  А. Бегалиев № 236/93 06.07.2020</p>	<p>Ташкилот номи: Пайарик тумани мактабгача таълим бўлими Манзил: Пайарик тумани Тел.: - Факс:- СТИР коди: 207267194</p> <p>ИФУТ: Буюртмачининг Газна шахсий ҳисобварағи: 100022860182247091100251001 Газначилик бўлинмаси номи: Пайарик тумани буйича Газначилик бўлинмаси Ягона Газначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк тошкент ш ХККМ МФО: 00014 Газначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919</p> <p>Рахбар (директор):  Н. Зоиров М.Ў. (имзо)</p>



Чорва молларини автоматлаштирилган равишда сўйиш ва терига бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилган "мини-комплекс" да тайёрланганлиги тўғрисидаги

МАЪЛУМОТНОМА № 1

"5" январ 2021 йил

Чорва молларини автоматлаштирилган равишда сўйиш ва терига бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилган Гавҳар Динара Инвест корхонаси томонидан

(ташкилот номи)

сўйилган ва ветеринария врачлари У. Каюмов текширувчидан

(Ф.И.Ш.)

ўтган 42 бош 670 0,14 тоз решит гўшт кейинчалик сотиш ёки қайта ишлаш учун

(дона, кг, бош)

(соф гўшт вазни)

Шааббона қуруткч савдо меже корхонасига берилди.

(ташкилот номи)

Маълумотномани сохталаштириш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

"мини-комплекс" Гавҳар Динара Инвест

ташкilotи раҳбари

М.Ў.



Ветеринария врачлари У. Каюмов

М.Ў.